

**О`збекистон Республикаси Олий ва О`рта махсус
таълим вазирлиги
Самарқанд Давлат Университети
Педагогика факултети**

РЕФФЕРАТ

**Баракаева Нилуфар Зубайдулла қизи
СамДУ, психология кафедраси 4-курс талабаси
Илмий раҳбар – доц. Салахутдинова М.И.**

САМАРКАНД 2013

МАВЗУ: МУҲАММАД ЮСУФНИНГ БОЙ ҚАЛБИ

Ўз соҳамиз талабларидан келиб чиқиб, бугун биз машҳур ижодкор Муҳаммад Юсуфнинг қалби, кўнгли ёки руҳини унинг ижоди орқали тушунишга ҳаракат қиламиз.

Муҳаммад Юсуф ҳаёти воқеаларини ўқиб, унинг ғалати хулқ-атворга, баъзан девиантликка, меланхолияга, таркидунёчиликка мойил шахс бўлганлигини англаймиз. Ижод ўзи девиантлик ҳисобланиб, жамият нормаларини ёриб чиқа олган, бошқалардан кўра кенгроқ ва теранроқ тафаккур юрита оладиган, қалби нозик, қалб кўзи очиқ, ўзини англаган ва ўз принципларига эга одам ижод қила олади.

Муҳаммад Юсуф комилликка интилувчи етук шахс, таланти ижодкор, яхши инсон эди. У тўғри ҳаёт кечирди.

Бугун биз Муҳаммад Юсуф серқирра шахсининг бир жиҳатини – унинг ғамнок, меланхолик руҳий қирраси ҳақида гапирмоқчимиз. Эслатиб ўтамиз, меланхолия асло ёмон, кучсиз тип эмас. Меланхолия – ҳиссиётларни ўта севувчи, ҳиссиёт йўлида ақлий ва жисмоний куч-қудрат кўрсата олувчи тип.

Фанимизда 4 хил темперамент типини ўрганилади, холос. Бироқ, шу типлардан ҳар бири такрорланмас, ноёб кашфиёт, яъни инсонда минглаб хил тарзда акс этади: Абдулла Қодирий қаҳрамони – Зайнаб меланхолик; улуғ шоир Навоий ижодида меланхолик кайфият ҳам бор; Аҳмад Яссавий, Бобур, Чўлпон, Чехов, Есенин, Маяковский...

Масалан, Абдулла Қодирий ўз қаҳрамони Зайнабнинг болалигидан биргина мисол келтириб, унинг феълени – ўз хоҳишини очиқ айта олмасдан, кейин аламзада юришини таърифлаб, ўқувчига унинг қотилликка ҳам қодир темпераменти ҳақида хабар бериб қўяди.

Алишер Навоийнинг ғамгин лирикаси:

Бало дашти аро мажнун менингдек кўрмамиш даврон,
Куюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон!

Не андуху малолимға балият даштидек ғоят,

Не савдою жунунимга маломат баҳридек поён!

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим ғамноку бағрим чок,
Тилим лолу таним беҳол, ишим афғон, сиришким қон!

Заифу дарду ғам пеша, наҳифу меҳнат андиша,
Залилу бесару сомон, қатили ханжари ҳижрон!

Фигонимдин фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин,
На ишқим ўтиға таскин, на ҳажрим дардиға дармон!

Бошим ғам тошидан пора, таним ҳажр ўқидин ёра,
Кўнгул бу ёраға чора топарға топмайин имкон!

Кўзум намлик, бўюм ҳамлик, ичим андуҳу мотамлик,
На ҳамдамлик, на марҳамлик топиб бу меҳнати пинҳон!

Манга не ёру не ҳамдам, манга не дўст, не маҳрам,
Манга не чора, не марҳам, манга не сабру не сомон!

Бу аҳволи табоҳимдин, фигони умрқоҳимдин,
Ҳам ўтлуқ дуди оҳимдин қарориб кулбаи аҳзон!

Фалак раҳзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,
Қолиб жон хусравидин тан, чиқиб тан кишваридин жон!

Навоий, бўлса меҳнат кўп, ичоқўр жоми ишрат кўп,
Неча бўлса суубат кўп, қилур ваҳдат майи осон!

Ушбу ижод намунасида бирорта сўз ҳам ортиқча эмас эканки, икки қатор мисол келтиришни мақсад қилиб, ғазални тўлиқ келтиришдан тўхтай олмадик. Албатта, ижодкор руҳи ҳақида гапириш масъулиятини олар эканмиз, унинг ҳаёти ва ижодини тўлиқ, яхлит ўрганмасак, хато бўлади. Мавзуга қайтамиз.

Мирзо Бобурда:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим...

Ёки:

...Бошимни олиби Бобур, оёқ етканча кетгаймен.

Биз улуг шоирларимиз ва мавзуимиз объекти бўлган Муҳаммад Юсуф ижодида фақат гурбат лирикаси, меланхолия акс этади, деган мутлақ фикрда эмасмиз. Шу бир жиҳат ҳақида фикр билдирмоқчимиз, холос.

Мана, Бобур ижодидаги оптимизмга мисол:

Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп дурур,
Айш била ўзни овутмоқ керак.
Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

Ва ҳ.к.

Аҳмад Яссавий:

...Тупроқ бўлгил, олам сени босиб ўтсин, -

меланхоликлар хоксор инсонлар эканлигига яхши мисол.

Антон Чехов асарларидаги босиқлик, Сергей Есениннинг юлдузли пайтларидаги ароққа тобе ҳаёти (аутсайд реакция), Владимир Маяковскийнинг ўз жонига қасд қилиши – буларнинг барчаси ижодкор инсон қалбининг озурдалигидан ва ҳиссиёт улар учун энг нодир бойлик эканидан далолат беради.

Она ҳақида, Ватан ҳақида кўп шеър, дostonлар, роман, суратлар ижод этилган. Аммо, Муҳаммад Юсуфнинг шеърляти ўзига хос – ўзини айбловчи, хоксор, ғамгин:

Топмоқ – йўқотмоқдир.
Йўқотмоқ – топмоқ.
Сен сўлиб,
Мен яшнаб,
Тўлишимга боқ.
Сенсиз топганимдан
Кўпроқ йўқотдим –
Сен мени юпатдинг,
Сени йиғлатдим.
Сен мени яратдинг,
Сени тугатдим.
Уялмай Она деб,
Келишимга боқ!..

Соғинч ҳақда шеърлар
Ёздим ўзимча,
Мендан – пешонангда

Доғлар тизимча.
Ўғлинг бўлмай ўлай,
Аттанг, минг аттанг.
Қиз туғсанг нетарди,
Кўпроқ қиз туғсанг!..
Тиргак бўлолмадим
Битта қизингча,
Уялмай шоирман
Дейишимга боқ.

Жонингдан айланай,
Тургил жонажон,
Йўл қараб бўлдим
Жигаргинанг қон.
Боқма кўзларимга
Бемажол, хаста,
Менинг топганларим
Гулми бир даста,
Йўқотганим сенми
Энди Онажон?..
Ўз этимни ўзим
Ейишимга боқ.

Билсанг,
Юрагимни бир алам элар,
Буюрсанг, қўлимдан
Келмайди нелар
Айт,
Пичан йиғайми,
Ўтин ёрайми,
Ерни ҳайдайинми,
Кўк ағдарайми?..
Итдек оёғингга
Суйкалгим келар –
Учиб, учиб, мана,
Қўнишимга боқ.

Ҳеч нарса керакмас,
Болам, ҳеч дейсан.
Энди кеч дейсан-да,
Энди кеч дейсан.
Юзимни босаман
Муздай юзингга,
Онажон,
Зор қилиб кетма изингга!..

Ўлим олдида ҳам ғамимни ейсан.
Мен-чи, жим тақдирга
Кўнишимга боқ.

Шеърим битди.
ХАЙР.
Дўстлар хуш қолинг.
Бедил яшамакка
Ўрганманг мендек.
Боринг,
Волидангиз кўнглини олинг,
Эртага
Кеч қолиб,
Ўрганманг мендек.

Ушбу шеър шоирнинг умуман, Онага муносабати. Шеър ёзилганда Унинг онаси тирик эди.

Қалблар таҳлилчиси Зигмунд Фрейд ижодкорда «айбдорлик ҳисси» кучли бўлишини, айнан шу комплекс унинг ижодига сабаб бўлишини айтади. Яна Фрейд икки асосий инстинкт – Ҳаёт инстинкти ва Ўлим инстинкти ҳақида гапиради. Ўлим инстинкти кучлироқ бўлганда, одам ҳаётнинг ғамгин томонларига мойил, ўлим ҳақида, кетиш ҳақида (аутсайд реакция) кўпроқ гапиради:

Ол, дея бир Эгам, осмонга учса руҳларим,
Бир ажиб мовий диёр бўйнини кучса руҳларим,
Кўк менинг кўксим бўлур, юлдузлари – андуҳларим,
Гул ўпиб, гул ёпиниб ҳар дилда мозорим қолур,
Мен кетарман бир куни, наволарим, зорим қолур...

Ёки:

...Бу дунё шундайин бевафо, юр, кетдик.

Муҳаммад Бобурнинг юртдоши Муҳаммад Юсуф Бобурдек дилдан ижод қилди, меҳр қозонди ва унинг ёшида, 47 ёшда вафот этди. Муҳаммад Юсуф кетиш ҳақида кўп гапирарди ва шунга эришди. Инсон ўз тақдирини ўзи хоҳлагандек лойиҳалайди ва шунга эришади... Ҳаёт нима учундир Муҳаммад Юсуфга торлик қилди:

Менинг кимлигимни билмайди ҳеч ким,
Мен бир ғалатиман, мен – алоҳида.

Ўурмали ўқувчи, биз Сизга етук шоирингизни маюс томонини ўта бўрттириб кўрсатмоқчи эмасмиз. Албатта, «Биз бахтли бўламиз, худо хоҳласа!», «Ватаним», «Ўеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим» ва бошқа шеърларни эсланг.

Муҳаммад Юсуф ижодини психолог мутахассислар ўрганишидан мақсад нима? Шоир моддий бойликдан қалб бойлигини устун қўйди. Ва, бунга эришди. У бой, ҳозиргача тирик қалб эгаси. Ушбу қалб бойлигидан биз ҳам фойдаланишимиз мумкин. Шоир:

...Менимча, дунёда энг катта гуноҳ –
Ўиринглаб шеър ўқимоқ! – дейди.

Шоир шеърларидан руҳингизга, ҳолатингизга мосини танлаб ўқинг, катарсис¹ ҳосил қилинг. Кўзингиздан тирқираб ёш чиқар даражада шеърни қалбдан ҳис қилинг. Кўз ёши психорелаксациянинг яхши турларидан бири (албатта, бу депрессив синдром бўлмаган тақдирда).

Мен Муҳаммад Юсуф портретида – кўзи кулиб, қалби йиғлаб турган инсонни кўраман.

Сўзим охирида мен барчага соғлик, фаровонлик ва бойлик тилайман. Шу билан бирга қалб бойлигини ҳам. Уни Шоир Муҳаммад Юсуфдан топиш мумкин.

¹ Инсоннинг ёмон ҳиссиётлардан тозаланиш жараёни.